



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

### BUYRUG'I

2021 yil "18" 10

№ 250

Toshkent sh.

#### Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 май ПҚ-5130-сонли қарорига мувофиқ гематология ва онкология йўналишларида амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, мазкур соҳада аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, кўлами ва самарадорлигини ошириш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази (М.Исломов) ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (М.Тиллашайхов) онкология ва гематология касалликларида фойдаланиладиган дорилар, бир марталик сарфлов воситалари, реагентлар рўйхатлари ва эҳтиёжларини ҳамда техник топшириқларини уларнинг самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда ҳар йилнинг **январ** ойида янгилаб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалар, тиббий буюмлар, тиббий жихозлар ва мурувват ёрдамини мувофиқлаштириш бошқармасига тақдим этсин.

2. Дори воситалар, тиббий буюмлар, тиббий жихозлар ва мурувват ёрдамини мувофиқлаштириш бошқармаси (А.Хайдаров) онкология ва гематология касалликларини даволашда ишлатишга шакллантирилган дорилар, бир марталик сарфлов воситалари, реагентлар рўйхатини ўргансин ва "O'zmedimpeks" МЧЖга тақдим этсин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.Иноятов зиммасига юклансин.

Вазир

А. Хаджибаев